

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

27.10.2017 й. Имонимизни асрайлик

**Мухтарам жамоат!** Имонимизнинг комил бўлишлиги ва тоат-ибодатларимизнинг мақбул бўлишлиги эътиқодимизнинг тўғри бўлмоғлигига боғлиқдир. Шундай экан, бизлар эътиқодимизга путур етказадиган ишларни қилишдан сақланмоғимиз лозим бўлади. Бугунги жума мавъизамизда динимизда қайтарилган, эътиқодимизга зид бўлган “Сафар ойидан шумланиш” масаласи ва шу каби иллатлар ҳақида Аллоҳ қодир қилганича сўз юритамиз.

Сафар ҳижрий-қамарий сананинг муҳаррам ойидан кейин келадиган иккинчи ойи ҳисобланиб, унинг бундай номланиши борасида уламолар бир нечта сабабларни кўрсатганлар. Баъзилар сафар “бўш” деган маънони англатади, бунинг сабаби сафар ойида Макка аҳли сафарга чиқиб кетиб, шаҳар бўшаб қолганлигидан, десалар, баъзилар бу ойда араблар бошқа қабилаларга уруш қилиб, бор-йўқларини талаб, ҳеч нарсасиз қолдирганларидан, деганлар (Ибн Манзурнинг “Лисонул араб” асари).

Жоҳилият арабларида сафар ойидан шумланиш одатлари бор эди. Ислом дини келгач, Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلم сафар ойидан шумланиш йўқ эканлигини эълон қилдилар. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисда шундай дейилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَا عَدْوَى وَلَا صَفَرَ وَلَا هَامَةَ" فَقَالَ أُعْرَابِيُّ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَمَا بَالُ الْإِبِلِ تَكُونُ فِي الرَّمْلِ كَأَنَّهَا الظَّبَاءُ فَيَجِيءُ الْبَعِيرُ الْأَجْرُبُ فَيَدْخُلُ فِيهَا فَيُخْرِئُهَا كُلَّهَا قَالَ: "فَمَنْ أَعْدَى الْأَوَّلَ" (متفق عليه).

яъни: Абу Ҳурайра дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم: **“Касалликни ўз-ўзидан юқиши йўқ, ирим қилиш йўқ, сафар (ойи)дан шумланиш йўқ, бойқуш (ёки маййитнинг руҳи капалакка айланиши) йўқ”**, дедилар. Шунда бир аъробий туриб: “Ё Расулуллоҳ! Нега мени туяларим саҳрода ҳудди кийикдай ялтираб юради-ю, қаердандир кўтир туя келиб туяларимни орасига киргач уларга кўтирини юқтиради?” – деди. Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم: **“Авалги туяга ким юқтирган экан?!”** – дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ҳалигача баъзилар сафар ойида тўй қилиб бўлмайди, сафарга чиқиб бўлмайди ва ҳ.к. гапларга ишониб, ирим қилиб юришлари эътиқоднинг тўғри эмаслигидандир. Ҳолбуки, тарихчи Ибн Исҳоқнинг ривоятига кўра, Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلم Хадича онамизга сафар ойида уйланганлар, Ҳазрати Али

нинг Фотима Га уйланишлари ҳам сафар ойида бўлганлигини Ибн Касир “Сийрат” китобларида баён қилганлар. Бундан ташқари “Сифатус-сафва” китобида Язид ибн Абу Хубайб: “Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم Маккадан ҳижрат қилиш учун сафар ойида чиқдилар ва рабиул-аввал ойида Мадинага кириб келдилар” – деганлар.

**Мухтарам азизлар!** Жамиятимиздаги баъзи кишилар ружу қўйган яна бир эътиқодга зид бўлган амал фол очтириш, фолбинлик билан шуғулланишдир. Динимизда фолбинларга ишонишдан қаттиқ қайтарилган ва буни ширкка тенглаштирилган. Чунки, фолбин ғайбни билишини даъво қилади, фолбинга борган эса бунга ишонади ва оқибатта иккиси ҳам оғир гуноҳкор бўлади. Аллоҳ асрасин, бу ҳолатда, ҳатто, имондан ҳам чиқиш мумкин. Зеро, Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلم марҳамат қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ أَتَى عَرَّافًا أَوْ كَاهِنًا فَصَدَّقَهُ بِمَا يَقُولُ فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَيَّ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ وَ التِّرْمِذِيُّ وَ النَّسَائِيُّ وَ ابْنُ مَاجَهَ وَ الْحَاكِمُ).

яъни: Абу Хурайра дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم дедилар: **“Ким фолбинга борса ва унинг айтган гапига ишонса, Муҳаммад кга нозил бўлган нарсага кофир бўлибди”** (Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насайй, Имом Ибн Можа ва Имом Ҳоким ривояти).

Ғайбни билиш ва инсонларнинг тақдири борасидаги илмлар фақатгина Аллоҳ таолога хосдир. “Аъроф” сурасининг 188-оятда: **“Айтинг: “Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзим учун (бирор) фойда ва зарар (келтириш)га эга эмасман. Агар ғайб (илми)ни билсам эди, хайрли ишларни кўп қилган бўлур эдим ва менга ёмонлик (ҳам) етмаган бўлур эди. Мен фақат имон келтирадиган қавм учун огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчидирман”** – дейилган.

Бундан ташқари жамиятимиз учун зарарли ҳамда мўмин кишини имонидан айирадиган иллатлардан яна бири сеҳр-жоду билан шуғулланишдир. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, баъзи кишилар орасида “илму амал” (иссиқ-совуқ) деб қилинадиган ишлар, уларга ружу қўйиш динимизда қораланади. Айниқса, сеҳр-жоду билан шуғулланиб, бошқаларга ёмонлик қилиш муқаддас динимиз таълимотига мутлақо зиддир. Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلم марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُؤْبَقَاتِ" قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَ مَا هُنَّ؟ قَالَ: "الشُّرْكُ بِاللَّهِ وَ السَّحْرُ وَ قَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَ أَكْلُ الرِّبَا وَ أَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَ التَّوَلَّى يَوْمَ الزَّحْفِ وَ قَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْعَافِيَاتِ" (متفق عليه)

яъни: Абу Хурайра Одан ривоят қилинади, Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم: **“Ҳалокатга элтувчи еттига катта гуноҳдан сақланишлар”** – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم! Улар қайсилар?” – деб сўрашди. Шунда: **“Аллоҳга ширк**

*келтириш, сеҳр, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, ёв босганда қочиш ва ифбатли, мўмина, фаҳш ишлардан йироқ аёлга туҳмат қилиш*” – деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Шунга асосан динимизда сеҳрнинг ҳар қандай тури ҳаром ҳисобланиб, уни ўрганиш, ўргатиш ва шуғулланиш қатъиян тақиқланган. Уламолардан Ибн Қудома: “Сеҳрни ўрганиш ва ўргатиш ҳаромдир. Илм аҳли ўртасида бу масалада хилоф йўқ” – деб таъкидлаган. Чунки айнан сеҳр ва фолбинлик каби иллатлар туфайли одамлар орасида фитна пайдо бўлиб, ака-ука, опа-сингил, кўни-кўшни, овсинлар ўртасида шубҳа, гумон аралашиб, оқибатда қариндош-уруғ, кўшничилик ришталарига путур етмоқда.

Кейинги пайтларда айрим вилоят, шаҳар ва қишлоқ жойларда мусулмон аҳолиси ўрталарида касалликларнинг барча турларини ҳам “даволайверишни” даъво қилувчи сохта табиб ва парихону-дуохонларнинг сони кўпайиб бораётгани маълум бўлмоқда. Ушбу сохта даволовчиларнинг ўзаро сўз бириктиришиб олган махсус кишилари бўлиб, бу кишилар халққа уларни мақтаб, кўллари енгиллиги, кўплаб беморлар улардан шифо топаётганлиги тўғрисида шов-шув гаплар тарқатиб таърифу тавсифларини авжигачикарадилар. Шифо истаб борган беморларга мазорларга атаб қўй, эчки ёки товукларни сўйишга буюрадилар. Беморлар эса шифо топиш умидида уларга қатнаб, кўлларида келган хайру эҳсон ва назру ниёзларини улардан аямасдан сарф қиладилар. Пайғамбаримиз ﷺ дан бу борада қуйидаги ҳадис ворид бўлган:

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ رَفَعَهُ قَالَ: "مَنْ تَطَبَّبَ وَ لَمْ يَكُنْ بِالطَّبِّ مَعْرُوفًا فَأَصَابَ نَفْسًا فَمَا دُونَهَا فَهُوَ ضَامِنٌ" (أَخْرَجَهُ الْإِمَامُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَ صَحَّحَهُ الْإِمَامُ الْحَاكِمُ).

яъни: Амр ибн Шуъайб отасидан, у киши бобосидан, у киши Расулulloҳ ﷺ дан ривоят қилиб айтадилар: **“Ким тиб илмини билмай туриб табиблик қилса, оқибатда бирортанинг ҳаётига ёки соғлигига путур етказиб қўйса, унга зомин бўлади”** (Имом Табароний ривояти ва уни Имом Ҳоким ишончли деганлар).

Дарҳақиқат, мазкур сохта табибларга ишониб, касалликни ўз вақтида мутахассис врачларга кўрсатмасдан, оғир аҳволларга тушиб қолаётган ёки баъзида сохта дорилар курбони бўлаётганлар ҳам борки, улардан ибрат олиб, кўзни каттароқ очмоқ ва сохта даволовчиларнинг ҳийлаю найрангларида доимо эҳтиёт бўлиб юрмоқлик ҳар бир ақл-идрок соҳибининг муҳим вазифасидир.

**Муҳтарам жамоат!** Қуйида Имом Абу Ҳанифанинг **“Фикҳул акбар” китобида келган баъзи ақидавий** масалаларни баён қилиб ўтамиз:

- ширк ва куфрдан бошқа гуноҳларни қилган ва тавба қилмай туриб дунёдан мўмин ҳолда ўтган кишининг иши Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола – хоҳласа жазо беради, хоҳласа афв этиб, асло дўзах азобига дучор этмайди.

- риёкорлик ва манманлик билан қилинган ҳар бир хайрли ишнинг савоби бекор қилинур.

- **Имон** бу – биз эътиқод қиладиган Мотуридия ақидасига кўра, тил билан иқрор ва дил билан тасдиқлашдан иборатдир. Осмонлару Ер аҳлининг имонлари имон келтирувчи нарсалар жиҳатидан кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Аммо ишонч ва тасдиқ жиҳатидан озайиб-кўпайиб туради. Мўминлар имонда, тавҳидда ўзаро тенгдирлар, аммо амалда бир-бирларидан ортиқ-камдирлар.

- **Ислом** бу – Аллоҳнинг буйруқларига таслим ва итоат этишдир. Имон билан Ислом ўртасида луғавий жиҳатдан фарқ бўлса-да, лекин Исломсиз имон, имонсиз Ислом бўлмас. Уларнинг иккиси астар билан авра ёки ич билан таш кабидир. Дин эса имон, ислом ва шариат аҳкомларининг йиғиндисидир.

- Аллоҳни барча сифатлари билан Китоби Қуръонда ўзи тавсиф этганидек ҳақиқий маърифат билан таниймиз. Лекин ҳеч ким Унга лойиқ, ҳақиқий ибодат билан ибодат қила олмайди. Лекин Ўз Китоби Қуръонда буюрганидек, Расулининг суннатида кўрсатилганидек ибодат қилиши мумкин.

- Демак, барча мўминлар маърифат – Аллоҳни танишда, ишончда, таваккулда, муҳаббатда, ризода, хавфда, умидда ва имонда тенгдирлар. Бундан ташқари амалларда эса, бир-бирларидан фарқ қилурлар.

- Аллоҳ таоло ўз бандаларига нисбатан фазлу карамли ҳамда адолатлидир: баъзида бандасига қилган ишига яраша эмас, балки бир неча баробар ортиғи билан савоб бахш этар. Гоҳида гуноҳига яраша жазо берур. Баъзан фазлига олиб, кечириб юборур.

Аллоҳ таоло барчамизни муқаддас динимиз ўргатган тўғри эътиқодда яшамоғимизда собитқадам қилсин!